

## **Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1517-ҳадис**

1517 - وَعَنْ جَابِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَا تَدْعُوا عَلَى أَنْفُسِكُمْ، وَلَا تَدْعُوا عَلَى أَوْلَادِكُمْ، وَلَا تَدْعُوا عَلَى أَمْوَالِكُمْ، لَا تُوَافِقُوا مِنَ اللَّهِ سَاعَةً يُسْأَلُ فِيهَا عَطَاءً فَيَسْتَحِبَ لَكُمْ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ [3009].

1517. Жобир розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ҳаргиз ўзингизни дуоибад қилманглар, авлодларингизни дуоибад қилманглар, молларингизни дуоибад қилманглар! Яна Аллоҳдан нима сўралса ижобат қилинадиган вақтга мувофиқ келиб қолманглар!» дедилар.

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: Жоҳил инсонларнинг «Аллоҳ жонимни олсин», «Аллоҳ бало берсин» шаклида қилган баддуо қиласидар ва яқинларига «Кўзинг кўр бўлсин» деб бақиришдан ҳам чекинмайдилар. Бундай баддуолар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганларидек таҳликалидир. Инсон ўзига, фарзандларига ёки яқинларига келган ёмонликдан қаттиқ қайғуради. Агар бу ёмонлик ўзи қилган баддуоларининг натижасида келган бўлса минг маротаба афсусланади. Фақат кейин қилинган афсус ёрдам бермайди. Шунинг учун ҳамма бундай баддуолардан сақланиши керак.

Бувот ғазотида туюсига мингандан кейин ҳайвоннинг турган жойидан жилмай турганини кўрган киши: «Сенга Аллоҳнинг лаънати бўлсин!», деди.

Буни эшитган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Туюсини лаънатлаган ким?» Деб сўрадилар. У одам: «Мен, эй Расулуллоҳ!» Дея жавоб берди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Туш у туюдан! Лаънатланган тую билан бизга қўшилма!» Дедилар. Кейин эса асҳобларига, ўзини, фарзандларини, молларини, (Сунан Абу Довуддаги ривоятга кўра)

хизматкорларини «Аллоҳнинг лаънати бўлсин» ёки «Аллоҳ жонингни олсин» деб баддуо қилмасликларини буюрдилар. Бунинг сабаби қатори, дуолар қабул бўлган бир вақт бор эканлигини ва бу баддуолар ўша вақтларга тўғри келиб қабул бўлиши мумкин эканлигини айтдилар.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

